

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЯПОНИЯ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 апрель куни мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Япония ташқи ишлар вазири Ёсимаса Хаясини қабул қилди.



Ушбу ташриф Ўзбекистон ва Япония ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 30 йил ҳамда стратегик шериклик ўрнатилганига 20 йил тўладиғани йилда ўтмоқда. Учрашувда кўп қиррали Ўзбекистон — Япония ҳамкорлигини янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. 2019 йил декабрь ойида Токиога амалга оширилган олий даражали ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстона алоқаларни мустаҳкамлашда янги босқинчи бошлаб, ҳамкорликни аниқ мазмун билан бойитгани катта мамнуният билан қайд этилди. Кейинги йилларда қўшма корхона ва лойиҳалар сони, шу жум-

ладан, Ўзбекистонда энергетика ва туризм инфратузилмасини, юқори технологик саноатни ривожлантиришга Япония етакчи компанияларининг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб қилиш орқали бир неча баробар кўлайди. Япониянинг ривожланиши ва ҳамкорлик институтларининг молиявий маблағлари иштирокидаги қўшма дастурлар портфели 7 миллиард доллардан ошди. Ўзаро савдо ҳажми, энг аввало, талаб юқори бўлган саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг янги турларини етказиб бериш ҳисобига ошиб бормоқда.



Мамлакатимизда ўзаро ҳамкорликдаги таълим лойиҳаси — Тошкент шаҳридаги Рақамли университет муваффақиятли фаолият юритмоқда. Давлатимиз раҳбари олий даражадаги самарали мулоқотларни давом эттириш муҳим эканлигига алоҳида тўхталди ҳамда Япония Бош вазири Фумио Кисидага Ўзбекистонга расмий ташриф билан келиш таклифини яна бир бор тасдиқлади. “Марказий Осиё + Япония” форматидagi конструктив минтақавий ҳамкорликни, энг аввало, иқтисодий ўзаро боғлиқлик, муқобил энергетика ва экология соҳа-

ларида мустаҳкамлашдан манфаатдорлик билдирилди. Ташқи ишлар вазири Ёсимаса Хаяси Япония ҳукумати янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар стратегиясини тўлиқ қўллаб-қувватлашини таъкидлади. Шунингдек, мамлакатимизнинг Афғонистонда бардавом тинчликни таъминлаш ва ушбу мамлакатнинг иқтисодий тикланишига қўмаклашиш борасидаги саъй-ҳаракатлари юқори баҳоланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ОДАМЛАРНИНГ ДАРДИГА ДАРМОН БЎЛИШ — ИНСОНЙЛИКНИНГ ОЛИЙ НАМУНАСИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 29 апрель куни эҳтиёжманд аҳолининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ижтимоий адолат тамойили асосида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни бартараф этиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган. Аслида бу юртимиздаги халқпарвар ишларнинг узвий давомидир. Охириги йилларда эътиборга муҳтож аҳоли қатламига гамхўрлик кўрсатиш бўйича янги тизим яратилди. Ушбу тизимга мувофиқ, Меҳрибонлик уйларидаги 1 минг 500 га яқин болалар оилаларга олинди, 116 та Оилавий меҳрибонлик уйи ташкил қилиниб, 700 га яқин ўил-қизларнинг ота-она бағрида вояга етиши учун шароит яратилди. Утган йили 757 нафар кўнгли ярим бола уй-жой билан таъминланди. Давлат ҳисобидан 4 мингдан зиёд болаларда мураккаб операциялар ўтказилди. Ногиронлиги бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлаш

қўлами ҳам кенгайди. Жумладан, ўтган йили 42 мингга яқин кишиларга реабилитация ва протез-ортопедия мосламалари олиб берилди. Эшитиш қобилияти заиф 555 нафар бола кохлеар имплант билан таъминланди. 4 минг нафар кўзи ожиз болага Брайль алифбоси тарқатилди. Эътиборлиси, 35 мингга яқин парварошга муҳтож болаларнинг оналарига 500 минг сўм нафақа тўлаш жорий этилди. Бундай тизим бизда илгари бўлмаган. Шунингдек, болаликдан ногирон ҳамда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногирони бўлган шахслар учун тўланган ижтимоий солиқ суммаси бюджетдан тўлиқ қайтариб берилмоқда. Булардан ташқари, пенсия ва нафақаларнинг энг кам миқдори бир йўла 40 фоизга оширилди. Умуман, нафақа олувчилар сони 2016 йилги 466 минг нафардан 2022 йилда 1 миллион 860 мингга етказилди. Шунингдек, хайрия жамғармалари, жамоатчилик ташаббуси орқали ҳам қўллаб-инсонларга кўмак берилди. Йиғилишда ушбу эзгу ишларни давом эттириш, юртимиздаги меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган янада кенг имкониятлар белгиланди. Мамлакатимизда 3 миллиондан ортиқ нурунийлар бор. Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги орқали уларга гамхўрлик қилиш, саломатлигини асраш эътиборга олинган. Йиғилишда ўзгалар парварошига муҳтож кексалар ҳар йили санаторийларда даволаниши, кам таъминланган нурунийларнинг дори-дармон ва ортопедия мосламалари, жарроҳлик амалиётлари харажатлари давлат томонидан қўллаб-қувватлиши қайд этилди.



САМАРҚАНДАДА ТРАНСПОРТ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 29 апрель куни Самарқанд шаҳрида транспорт тизимини ривожлантириш бўйича режалар такдими билан танишди.

Мамлакатимизнинг Тараққиёт стратегиясида Самарқанд шаҳрини исқиболда “миллионлик шаҳарлар”га айлантириш мақсади белгиланган. Бунинг учун жорий йилда шаҳар ҳудуди 28 минг гектар қилиб кенгайтирилади. Келгуси беш йилда Қорасув мавзеси, Ширин маҳалласи ва вокзал ортидаги ҳудудда 300 минг аҳолига мўлжалланган янги уй-жойлар барпо этилади. Шунингдек, туристлар сони 5 миллион нафарга етиши кутилмоқда. Буларнинг барчаси шаҳар-

нинг транспорт тизими, йўллари ва йўл инфратузилмасини янгидан кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Ҳозирда доимий аҳоли ва туманлардан келувчиларни қўшиб ҳисоблаганда, Самарқанд шаҳрида кунига 925 минг киши ҳаракатланади. Уларнинг катта қисми — 592 минг нафари шахсий автомобилларда юрибди. Жамоат транспортидан бор-йўғи 330 мингдан зиёд аҳоли фойдаланаяпти. Бунга сабаб жамоат транспорт катнови қулай ва барқарор эмас. Ташувчилар

аҳолининг эҳтиёжидан келиб чиқиб эмас, кўннинг “энг даромадли” пайтида ҳаракат қилади. Сўнгги икки йилда 38 та маршрут норентабеллик сабабли тўхтаган, 300 та автобус етишмайди. Шу боис давлатимиз раҳбари Самарқанд шаҳрида жамоат транспорти тизимини ривожлантириш бўйича топшириқ берган эди. Такдимотда хорижий экспертлар иштирокида ишлаб чиқилган таклифлар муҳокама қилинди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда 9 май умумхалқ байрами — Хотира ва Қадрлаш кунини кенг нишонлаш, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган аждодларимиз хотирасига чуқур ҳурмат баҳо келтириб, фашизмга қарши жангларда, меҳнат фронтида жонбозлик кўрсатган фахрийларимизга алоҳида эътибор ва эҳтиром кўрсатиш, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига **15 000 000** (ўн беш миллион) сўм миқдоридан бир марталик пул муқофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Молия вазирлиги, Маданият вазирлиги, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул муқофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 29 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ АҲОЛИ ҚАТЛАМЛАРИНИ МОДДИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТўҒРИСИДА

Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар изчиллигини таъминлаш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлаш, уларнинг даромадларини инфляция даражасига қараб индексациялаб бериш ҳамда тегишли ижтимоий тўловлар миқдорининг минимал истеъмол харажатлари қийматидан кам бўлмаслигини таъминлаш мақсадида:

1. **2022 йил 1 майдан** бошлаб ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари миқдори **12 фоизга** оширилсин.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА ВА ЁРДАМГА МУҲТОЖ АҲОЛИ ҚАТЛАМЛАРИНИ МОДДИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТўҒРИСИДА

Аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятга ижтимоий мослашуви учун кенг имкониятлар яратиш ҳамда етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришнинг оилавий ва бошқа муқобил шакллари давлат томонидан янада қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2022 йил 1 июлдан** бошлаб:

а) **оилавий болалар уйлари**га Давлат бюджетидан маблағ ажратишнинг қуйидаги тартиби жорий этилади:

оилавий болалар уйларининг сақлаш харажатлари учун Давлат бюджетидан маблағ ажратишда бир нафар тарбияланувчига тўғри келадиган харажатлар миқдори ҳамда болалар сонидан келиб чиқиб, зарур маблағлар **ота-оналар номига очилган банк пластик карталарига ўтказиб берилади**;

(Давоми 2-бетда).



БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ЮКСАК ИФОДАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Муборак Рамазон ҳайити байрами арафасида халқимизга хос эзгулик, бағрикенглик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва кечиримли бўлиш каби олижаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси сифатида **“Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”**ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **65** нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **2** нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, **39** нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, **6** нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, **18** нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилган шахсларнинг **1** нафарини чет эл фуқароси, **3** нафарини аёл, **3** нафарини 60 ёшдан ошган шахслар ҳамда **3** нафарини таъқиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этди.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва ақинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдала меҳнат билан шугулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

29 апрель куни Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенати мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма бешинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Ялпи мажлиси Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норматова олиб борди. Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган мажлисда сенаторлар, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Дастлаб сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг прокуратура органларининг 2021 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини эшитди. Ҳисоботда прокуратура органлари томонидан мам-

лакатда қўнун устуворлигини таъминлаш, қўнунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасида 2021 йилда амалга оширилган ишлар ва келгусидаги вазифалар тўғрисида маълумотлар берилди. Қайд этилишича, ижтимоий соҳада белгиланган долзарб вазифалар ижроси, айниқса, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, бандлигини таъминлаш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш ва уларни камбағалликдан чиқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.



Шукроналик ва меҳр-мурувват байрами

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

Аллоҳнинг раҳмат-мағфирати ёғиладиган, ажру мукофот бериладиган ва хурсандчилик айёми бўлган Ийдул Фитр — Рамазон ҳайити яқинлашиб келмоқда.

Аллоҳ таолонинг амрини адо этиб, тақво неъматини қўлга киритган, Расул алайҳиссаломнинг суннатига эргашиб, имон ила савоб умидида рўза тутган мўмин-мусулмонларга жаннатнинг Райён дарвозасидан кириш бахти насиб этсин!

Шундай файзли кунларга етказгани учун Ҳақ таолога шукроналар айтамиз. Қодир Аллоҳдан халқимизга кут-барака, бахту саодат ва тинчлик-офийат беришини сўраб, дуолар қиламиз.



сиб тарзда ўтказишимизга, савоб ишларни кўпроқ қилишимизга имкон яратад.

Жорий Рамазон ойи халқимиз учун эсда қоларли воқеаларга бой бўлди. Президентимиз Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази қурилиш майдонига ташриф буюриб, маънавий қудратимиз тимсоли бўлган ушбу муаззам мажмуа фаолиятини йўлга қўйиш бўйича қимматли маслаҳатлар берди. Бу ерда юртимиз уламоларининг ислом цивилизацияси ривожига қўшган буюк ҳиссаси аяқол ифода этилади. Имом-хатибларимиз ушбу бетакрор масканда малака оширади.

Аллоҳ таоло кутлуг ойда халқимиз ҳаётида муҳим бўлган хайрли ишларни насиб этди. Ушбу ой баракотидан юртимизда янги жоме масжидлар очилди, 13 минг фуқаро умра амалини адо этди, шу кунга қадар эса бу ракам 40 минг нафарни ташкил қилмоқда.

Хорих давлатлари диний идораларидан келган тақлимфлар асосида уламо ва қориларимиз чет мамлакатларда диний-маърифий тадбирларда иштирок этиб, таравеҳ намозларини адо этиб берди. Юртимизнинг бир гуруҳ уламолари АҚШ ва Россиянинг турли ҳудудларида хатми Қуръон ва таравеҳ намозларида қатнашиб, эътирофларга сазовор бўлди.

Кейинги йилларда фаолияти

йўлга қўйилган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказларида муқаддас динимизнинг илмий жиҳатдан тадқиқ этилиши “Жаҳолатга қарши — маърифат” гоёсининг ҳаётий рўёбига ҳисса қўшмоқда. Бундай хайрли ишларнинг самараси ўлароқ, заминимиздан яна бухорийлар, термизийлар, насарийлар ва нақшбандийлар етилиб чиқажак, инша Аллоҳ.

Шубҳасиз, Имом Термизий бомиз ривоят қилган “Яхшиликка далолат қилувчи уни қилган киши кабир” ҳадиси шарифига мувофиқ санаб ўтилган савобли ишлар сабабчиси бўлган инсонларга ҳам чексиз ажру мукофотлар ёзилади ҳамда юртимизга кут-барака ёғилади.

Шундай улуғ неъматларнинг қадрига етиб, динимиз ривожига кўрсатилаётган шароитларни Аллоҳ таолонинг улуғ марҳамати деб қабул қилишимиз, бунинг шукронасини ҳаммаша адо этишимиз лозим.

Ушбу улуғ кунларда, ҳадиси шарифларда марҳамат қилинганидек, ҳар бир амал эвазига 70 тадан 700 тагача савоб берилади, инша Аллоҳ.

Ийдул фитрни дунё мусулмонлари қатори юртимиз аҳли ҳам катта шодийна ва хурсандчилик ила ўтказди. Ушбу кун Яратган эгамнинг раҳмати Ер юзига ёғиладиган, қалблар завқланадиган, рўзадорларга ажрлар бериладиган ҳаётлиқ фурсат.

Ҳазрати Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Хар бир қавмининг ўз байрами бор, бу — Ийдул кун бизнинг байрамимиздир”, деб марҳамат қилганлар.

Ҳофиз ибн Ҳажар роҳимахуллоҳ

“Фатхул Борий” асарларида шундай деган: “Хайит кунлари шодлиқни изхор қилиш диннинг ширларидандир”.

Ийд — Аллоҳ таолога қилинган тоат-ибодатлар туйайли, У зотнинг бандаларига кўрсатган раҳмату мағфирати туйайли хурсандчилик изхор қилиш учун бир муносабатдир.

Аллоҳ таоло ўз Каломида: “Аллоҳнинг фазли ва раҳмати ила. Ана шу билан хурсанд бўлсинлар. У улар жамлайдиган нарсалардан яхшидир”, деб айт”, деб марҳамат қилган (Юнус сураси, 58-оят).

Аллоҳнинг фазлидан хурсанд бўлиш ҳам У зотга қурбат саналади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Аллоҳ таолога фарз амалларидан сўнг энг маҳбуб амал мўминнинг қалбига хурсандчилик солишдир” (Имом Табароний) деган.

Зеро, ҳар бир мўмин-мусулмон учун Роббининг ибодатини адо этиш чинакам бахту саодатдир. Шунинг учун бу байрам имон ҳаловати, ибодат ва дуо-истигфор байрами. Бу байрамда мусулмонлар жоме масжидларга тўпланиб, Ийд намозини жамоат билан ўқийди. Сўнг дуолар қилиб, ўтганларнинг руҳини шод этади, эл-юртга, Ватанга, бутун дунёга осудалик тилаб, илтиҳор қилди.

Яратган Парвардигор бутун дунё мусулмонларига Рамазон ҳайити байрамини муבורак айласин, бутун оламга тинчлик-хотиржамлик ато этсин, ибодатларимизни даргоҳида қабул этсин, она Ватанимизни обод, халқимиз ҳаётини янада фаровон қилсин!

Нуриддин ХОЛИҚНАЗАРОВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий.

Шукуҳ

УМРА — УМРИМИЗНИНГ ЙЎЛИДАГИ НУР



Маҳмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шоири.

Кутилмаган тақлиф ғойибдан бахтдир,
Кўнғиллар кўзида қувонч қалқиди.
Аслида бу бизга самовий тахтдир,
Ногоҳ бошимизда қуёш балқиди.
Бу зиёрат завқи, барака тоғур,
Умра — умримизнинг йўлидаги нур!

Қўкда оққуш мисол елиб боряпмиз,
Пойимизга тўшар булутлар ўзин.
Ахир, Ўзбекистон бўлиб боряпмиз,
Ёмғирдек ёғдириб “Машаллоҳ” сўзин.
Тайёра бағрига сиғмайди сурур,
Умра — умримизнинг йўлидаги нур!

Бизни қабул қилди раваиз гавҳар,
Чорлаган Ўзингсан, эй қодир Аллоҳ!
Мадина — муқаддас, мунаввар шаҳар,
Ассалом алайка, ё Расулulloҳ!
Сизга салом бермоқ нақадар ҳузур,
Умра — умримизнинг йўлидаги нур!

Бунда сойим турмоқ бизга саодат,
Элу юрт, Юртбоши саломи билан.
Дунё тинч бўлсин, деб қилдик ибодат,
Яратганинг ёруғ каломи билан.
Сажда дийдоридан дийдамизда дур,
Умра — умримизнинг йўлидаги нур!

Маккада муродлар ҳосил бўлгуси,
Ҳар муслим орзуси — Каъба тавофи.
Шаффоф дуоларга осмон тўлгуси,
Бор оламга татир унинг савоби.
Бизни йўллаган зот, Сизга ташаккур,
Умра — умримизнинг йўлидаги нур!

Минг-минглаб мўминлар тили нидода,
Гоҳ сокин, гоҳ бўзлаб истиффор айтар.
Ким ҳалол, ҳушният — дили Худода,
Умид уммонидан покланиб қайтар.
Шукур, шукур сўзи беҳад айтилур,
Умра — умримизнинг йўлидаги нур!

ИЛМ «ДАРДИ»ГА ЧАЛИНГАН ВА ИЛМ БИЛАН «ОФРИГАН» ИНСОН...

Ўмон Султонлигининг етакчи газетаси “Asdaa Opat” Муслим Атаевнинг араб тилидаги “Имом ал-Уструшаний ва унинг илмий мероси” номли мақоласини эълон қилди.

“Имом ал-Уструшаний ва унинг илмий мероси” мақоласи ҳақида гапирилар экан, мазкур мақолани унинг муаллифидан айри ҳолда қўриб бўлмайди. Бу ўринда мақола муаллифи, унинг шахсини ҳам эътиборга олиш жоиз бўлади. Тадқиқотчи сифатида Муслимга хос бўлган бош хусусият шундаки, у умрини қадимги уструшан, яъни Жиззах деб аталган маконнинг аллома эгаларини топиш, уларнинг амалга оширган ишларини ҳозирги авлодларга етказиш, хусусан, Маждуддин ал-Уструшаний ҳаёти ва илмий меросини қайта тиклаш ишига бусбутун баҳшида этган инсон, десак муболаға бўлмайди.

Мазкур мақоланинг ютуғи шундаки, мавжуд илмий ҳулосалар мисқолаб йиғилган жуда катта статистик далиллар асосида жамланган. Имом Уструшаний ҳазратларининг меросини илмий ўрганиш олимнинг бутун фикри ва зикрини батамом эгаллаб олган.

Муслим илмий ўрганиш даврида ўзидаги мавжуд ахтёжларини умуман унутиб қўйди, мақсадга бутун вужуд билан киришиб кетади. Аслида Муслимнинг ҳақиқий ҳаёти Уструшаний ва унинг даврида кенди. Муслим илм “дарди”га ҳақиқий чалинган, илм билан “ориган” инсон. Муслим учун нима еяпти, нима кияяпти — умуман аҳамият касб этмайди. Илоҳи бўлса, ухламайди, дам олмайди. Унинг фикрида фақат мана шундай улус ислом алломаларини қидириб топиш, уларнинг номларини қайта тиклаш яшайди.

Муслим учун унинг қилган хизматлари бир оддий банд сифатида ўз эътиқоди, Яратган олдидаги мажбуриятини бажариш, холос. Шунинг учун Муслим чарчамай ишлайди. Шу жиҳатдан Муслимнинг бетакрор ва фидойи, мавзуси ичига “мукасидан кетган” тадқиқотчи, дейиш тўғри бўлади.

Муслим Атаев фақиҳ Маждуддин ал-Уструшаний ҳаёти ва фаолияти-

Шайх Абдулмуъиз МАНСУР, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори ўринбосари. ЎЗА.

Парламент комиссияси

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг дастур ва лойиҳаларини жорий йилда давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий мақсад ва вазифалари, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратининг устувор йўналишлари муҳокама қилинди. Шунингдек, жамиятдаги энг муҳим долзарб муаммоларни ҳал қилишда ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш дастури Парламент комиссияси томонидан қўриб чиқилди.

Дастурга кўра, 2022 — 2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган 100 та мақсадга эришишда, “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” Давлат дастури иқросини таъминлашда давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шериклигини қучатириш, уларнинг иқроси устидан жамоатчилик назоратини шакллантириш муҳим вазифа сифатида белгиланди. Шу мақсадда ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг дастур ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун мамлакат бюджетидан 82,3 млрд. сўм, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан 18,7 млрд. сўм микдорига маблағлар ажратилган.

Қайд этилганидек, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан аҳолининг кенг қатламлари манфаатларини ифода этувчи жамоат ташкилотларининг дастур ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш янада қучайтириш мақсадида 15 млрд. сўмдан ортиқ қўшимча маблағ ажратиб бериланди. Бу, ўз навбатида, жорий йилда ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг 700 дан ортиқ дастур ва лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларни амалга оширишга эса 3 мингдан зиёд жамоат ташкилотларининг иштироки этиш имкониятини яратди.

Йиғилишда ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг дастур ва лойиҳаларига ажратила-

диган маблағлар аниқ натижани қўзлаб, бюджет таъмоилии асосида очик танловлар орқали йўналтирилиши қатъий вазифа этиб белгиланди. Хусусан, давлат грантлари шаклида ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий муҳит нисбатан оғир бўлган маҳаллаларда жамоат ташкилотларининг 27 млрд. сўмга 350 дан ортиқ лойиҳалари амалга оширилди.

Мазкур лойиҳалар хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигига қўмаклашиш, ислохотларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, жамиятда ижтимоий онг ва дунёқарашни ўзгартириш, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий-маънавий қўллаб-қувватлаш, тиббий ва экологик маданиятни юксалтириш, ёшларнинг маънавий-руҳий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш каби йўналишларда давлат органлари билан ижтимоий шерикликда баҳариланди. Шунга кўра, Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонднинг “Маҳаллаларда аҳолининг, аниқ-қис, хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигига қўмаклашиш” ҳамда “Аҳолига ислохотларнинг мазмун-моҳиятини етказиш, уларнинг онги, маънавий-маърифий дунёқарашини ўзгартириш” мавзуларида давлат грантлари ажратиб бўйича 2 та танловини эълон қилиш тасдиқланди.

Қайд этилганидек, давлат ижтимоий буюртмаларини шаклида бандлик ва меҳнат муносабатлари, ҳуқуқ, тиббиёт, таълим, маданият, туризм, экология, оила ва хотин-қизлар, ёшлар масалалари каби соҳалардаги 11 та давлат органининг давлат ижтимоий буюртмаларини бажаришга 14 млрд. сўм ажратилмоқда. Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди давлат органларининг давлат ижтимоий буюртмалари ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан бажарилишини таъминлаш мақсадида очик танлов эълон қилди.

Бундан ташқари, давлат субсидияси шаклида 36 та йирик жамоат ташкилотининг устав фаолияти ва йиллик иш режасини бажаришга 71 млрд. 700 млн. сўм йўналтириш белгиланди. Натижада ногиронлиги

Давра сўхбати

Маҳсулотлар хавфсизлиги халқаро талабларга уйғунлаштирилади

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра сўхбати ўтказилди. Унда депутатлар, Вазирлар Маҳкамаси ва Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг мутахассислари, соҳа олимлари, мувофиқлини баҳолаш органлари вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, маҳсулотлар ва хизмат кўрсатиш масалаларида истеъмолчилар ва давлат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, маҳсулот сифати ва рақобатбардорлигини ошириш, савдода техник тўсиқларни бартараф этиш республика иқтисодиёти ривожининг устувор вазифалари ҳисобланади. Бугунги кунда соҳани тартибга солиш “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонун 2009 йилда, “Мувофиқлини баҳолаш тўғрисида”ги Қонун эса 1993 йилдан бери амал қилиб келмоқда.

Амалдаги қонун нормалари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги халқаро ҳужжатларнинг асосий принципларига мос келмайди. Ушбу қонунлар қўлланилиш соҳаларининг ноаниқлиги, ваколатли идораларнинг масъулияти ва мажбуриятларининг тақдорланиши сабабли мазкур соҳаларни етарли даражада тартибга солишда қатор муаммолар вазиятлар юзага келмоқда.

Шундан келиб чиқиб, Президентимизнинг “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан тақомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ, “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилинди.

Утган вақт мобайнида қонун лойиҳасига масъул бўлган Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг ишчи гуруҳи томонидан депутатлар ва экспертлар иштирокида 20 дан ортиқ йиғилишлар ўтказилиб, қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланмоқда.

Қайд этилганидек, мазкур

жараёнда қонун лойиҳасидаги ҳар бир моддалар депутатлар берган тақлифлар асосида тақомиллаштирилмоқда, ҳаволаки моддалардан воз кечилиб, уларнинг ўрни тўғридан-тўғри ишлайдиган нормалар билан бойитилмоқда. Ишчи гуруҳи йиғилишида депутатлар томонидан қонун лойиҳасидаги техник регламентларда белгиланадиган мувофиқлини баҳолаш тартиб-таърифи, тадбиркорлик субъектларининг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари обдан муҳокама қилиниб, маромига етказилди.

Тайёрланган қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасида маҳсулотлар ва хизматлар умумий хавфсизлигини таъминлаш бора-бора қонун нормаларини тартибга солиш нозарида тугади.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳаси билан миллий сифат инфратузилмасининг ҳуқуқий асоси тақомиллаштирилади, маҳсулотлар хавфсизлиги халқаро талаблар билан уйғунлаштирилади, савдо-сотикдаги тўсиқлар бартараф этилади. Шунингдек, лойиҳада белгиланаётган нормалар маҳаллий маҳсулотлар сифати ва рақобатбардорлигини оширишга, маҳсулот хавфсизлиги бўйича истеъмолчилар ва давлат манфаатлари ҳимоясига хизмат қилди.

Тадбирда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасига бевосита алоқадор бўлган мувофиқлини баҳолаш органлари вакиллари, тадбиркорлар ва олимларнинг фикрлари тингланди. Савол-жавоб руҳида ўтган давра сўхбатида билдирилган тақлифлардан келиб чиқиб, қонун лойиҳасини маромига етказиш бўйича ишчи гуруҳ томонидан тегишли вазифалар белгилани олинди.

«Халқ сўзи».

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 448. 31 726 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-қўднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.20 Топширилди — 02.45 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши